

Сийрат дарслари (148-дарс). Ансорийларга ўйин-кулги ёқади



17:00 / 06.08.2021 6756

547. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирингиз бирор аёлга совчи қўймоқчи бўлса, агар унинг никоҳига чорловчи нарсасини кўришга қодир бўлса, шундай қилсин»**, дедилар».

Абу Довуд ва Ҳоким ривоят қилишган.

548. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«У киши бир аёлни ансорлардан бириникига тушириб олиб борди. Шунда Набийюллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳой Оиша, сизларда ҳам ўйин-кулги бўлдими, чунки ансорийларга ўйин-кулги ёқади»**,

дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

549. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирингиз бирор аёлга уйланса ёки ходим сотиб олса, «Аллоҳим, Сендан унинг яхшилигини ва Сен унга берган жибиллят(ахлоқ)нинг яхшисини сўрайман. Ҳамда Сендан унинг шарридан ва Сен унга берган жибиллят(ахлоқ)нинг ёмонидан паноҳ сўрайман», десин»,** дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан